

## Товарлар ва хизматлар бозори

2017 йил январь-мартда чакана товар айланмаси 1813,4 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112,6 фоизга ўсди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами</b>	<b>1813,4</b>	<b>112,6</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:			
давлат мулки	0,5	93,0	0,03
нодавлат мулки	1812,8	112,6	99,97
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	1812,8	159,1	99,97

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2017 йил январь-мартда 110,1 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 78,0 фоизни ташкил қилди.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-март ойларида 1451,7 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 118,8 фоизга ошган.

2017 йил январь-мартда чакана савдо айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Чакана товар айланмаси</b>	<b>1813,4</b>	<b>112,6</b>	<b>100</b>
шу жумладан:			
савдо корхоналари	110,1	78,0	6,1
якка тартибдаги тадбиркорлик	1451,7	118,8	80,0
уюлмаган сектор (ташқил этилмаган савдофаолияти)	251,6	101,7	13,9

Умумий оврақтланиш соҳасининг товар айланмаси 34,6 млрд. сўмга етди ёки 2016 йил январь-мартга нисбатан 5,2 фоизга ўсди.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига

нисбатан ҳисоблаганда 10,5 фоизга ошди ва 495,8 минг сўмни ташкил этди (2016 йил январь-март ойиларида 410,5 минг сўмни ташкил этган).

2017 йил январь-мартда **бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари** бўйича ҳажми 1421,6 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 530,9 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 37,3 фоизини ташкил қилди. 2016 йил январь-мартга нисбатан ўсиш 111,9 фоизни ташкил этди.